

## **Negative Influence of Alcohol Drink on Driver Work Activity**

Хонсаидов Мухсинали Махаммадалиевич

Army of the Republic of Uzbekistan

Head of the Forces Academy Deputy Principal

E-mail xon@inbox.ru

### **Abstract**

This article extensively covers the issues of morality, decency, which are considered one of the most important qualities of a person's life simultaneously with the negative impact of alcohol on the driver's working life and factors that slow down the normative working capacity of the human body.

**Keywords:** driver, alcohol, drugs, vodka, inclination, degree, ethics, morality, social, cruelty.

Ҳайдовчи иш фаолиятида спиртли ичимликнинг салбий таъсир этишига ҳеч ким шубҳаланмайди. Кўп сонли кузатувлар шуни кўрсатадики, спиртли ичимликнинг микдори ҳам (1-2 қадаҳ пиво) инсон организмининг меъёрий иш фаолиятини анча сусайтиради.

Қон таркибида 100 г (промил 150 г) ароқ бўлганда, йўл транспорт ҳодисаларини содир этишга мойиллик 5-10 баробар ошади. Агар у 1,500 г га ошса эҳтимоллик даражаси 55 баробар кўп бўлади.

Алкогол ичимлигини истеъмол қилганда фикрни бир жойга тўплаш, амал қилиш кетма-кетлиги бузилади. Масофани чамалаш аниқлиги пасаяди, эътибор тарқоқ бўлади, вазиятга нотўғри баҳо бериш, вақт ўтганини сезиш ҳиссиёти йўқолади. Булардан ташқари, ҳайдовчида ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган дадиллик, таваккалчилик, ўйланмасдан иш кўриш ҳиссиётларини уйғотади.

Спиртли ичимлик ҳам наркотик модда ҳисобланади, шунинг учун наркотик модда ёки спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчилар харакатидаги қоида бузарликка умумий ўхшашликлар мавжуд. Ҳайдовчидаги йўл шароитини нотўғри баҳолаш, ўз имкониятларини ошириб юбориш, соғлиги ҳолатини тўғри баҳолай олмасликларида намоён бўлади.

Ўз имкониятларини ва йўл вазиятини ҳисобга олмаган ҳолда маст ҳайдовчилар қувиб ўтиб тезликни оширадилар, тақиқловчи ишораларни менсимайдилар.

Спиртли ичимликтан кейин ҳайдовчи организмдаги ўзгаришлар ва бунга уларнинг эътиборсизлиги транспорт воситасини бошқаришда жуда кўп хатоликларга ва оғир кечадиган йўл транспорт ҳодисаларига олиб келади.

Наркотик ва спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида фақат йўл транспорти ҳодисаларини содир этиш билан чекланмайди, балки инсонлар қурбон бўлиши, моддий



зарар келтиришдан ташқари оғир хасталикларнинг ривожланиши ва бевақт ўлиш каби ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Бир неча йил наркотик модда истеъмол қилиш даволаб бўлмайдиган оғир касалликларга олиб келиши мумкин. Алкогол ва наркоманларнинг оиласлари бузилиб кетади, туғиладиган фарзандлари ҳам руҳан, ҳам жисмонан носоғлом бўлади.

Маишатпарастликка қарши кураш ҳар бир автокорхона маъмуриятининг хуқуқ тарғиботи, таълим ва ташвиқот ишларини комплекс олиб бориш даражаси билан белгиланади. Шу билан бирга, ҳайдовчиларни ишга чиқишдан олдин ва йўлга спиртли ичимлик ва наркотик моддалар истеъмол қилганини текшириш усулларини такомиллаштириш керак.

Ҳайдовчилар интизоми ва одобини яхшилаш муҳим ижтимоий масала ва буни турли йўллар билан ечиш зарур.

Айрим одамларга кўркув жуда катта таъсир кўрсатса, бошқалари қўлга тушиши мумкин бўлган жойларда хушёrlик билан иш тутадилар.

Иш жамоаларида қўлланадиган турли хил тарбия воситалари ҳайдовчиларга яхши натижа беради. Корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотлари қоида бузишга мойил ходимларни назорат остига олиш, уларга нисбатан чора тадбирлар белгилаш имконига эга. Автотранспорт корхоналарида ҳайдовчилар содир этган барча қоида бузарликларни, ЙТҲ ларни ҳисобга олувчи варақа мавжуд. Ҳайдовчилар шахсини билиш ва улар ишини баҳолашда ҳисоб варақаларининг аҳамияти катта.

Ҳайдовчининг ҳар бир қоида бузганлиги ёки ЙТҲ да иштироки, албатта жамоада муҳокама этилиши керак. Тажриба шуни кўрсатадики, қоида бузар ҳайдовчиларни жамоада муҳокама қилиш, маъмурий чора кўришдан кўра кўпроқ таъсир этади. Шу ўринда спиртли ичимликларнинг организмда сақланиш муддатини билиб қўйган маъқул.

1-жадвал

Ичимлик тури	Миқдори (граммларда)	Организмда сақланиш муддати
Арок	50	1,5 соатгача
	100	3,5 соатгача
	200	7 соатгача
	250	9 соатгача
	500	18 соатгача
Коняк	100	4 соатгача
	150	5 соатгача
Пиво	500	45 соатгача

## Ҳайдовчи этикаси

Этика (юончча этҳок) – ижтимоий онг формаси бўлган, инсон ҳаётининг энг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланган ахлоқ, одоб масалаларини ўрганувчи фалсафий фан.



У ахлоқнинг ижтимоий муносабатлари тизимидағи ўрни ва ички структурасини, табиати, келиб чиқиши ва тарихий тараққиётини очиб беради. Муайян ахлоқий тизимни назарий жиҳатдан асослайди.

Этика инсонга унинг ўз хусусий табиатидан келиб чиққан ҳолда тўғри ҳаёт йўлини ўргатади. Шунинг учун ҳам этика ўзидан инсон турмуши назариясини, ҳиссиётини ўрганишни ва айни вақтда фаровон ҳаёт, баҳт-саодатга эришиш йўллари ҳақидаги таълимотни қамраб олади.

Ахлоқий фаолият қуидаги асосий онларни ўз ичига олади: айрим хатти-ҳаракат ва унинг элементлари структураси (мотив, истак, ният, танлаш, ҳал қилиш, мақсад, восита ва оқибат); индивидуал хулқ-авторини умумий йўналиши, жумладан, ахлоқий турмуш тарзини белгиловчи ахлоқ нормалари. Ахлоқий муносабатлар ва ахлоқий онг структурасини таҳлил қилиш шахснинг жамиятга бўлган муносабатининг турли шаклларини акс эттирган ахлоқий талаб, мажбурият, бурч, масъулият, шахс шаъни, виждон каби категориялар нисбатини, шунингдек, норма, ахлоқий фазилат, ахлоқий баҳо, ахлоқ принципи, ижтимоий ва ахлоқий идеаллар, яхшилик ва ёмонлик, адолат, яшашнинг маъноси, инсоннинг мақсади ва баҳти каби категорияларнинг алоқасини белгилаш имконини беради.

Жамият турли ёшдаги, ҳар хил характер ва ҳар хил касб-хунар эгалари-ю, турли миллатга мансуб шахслар мажмуудир. Ижтимоий ҳаётдаги шахслараро муносабатлар психология, ҳар хил кишиларнинг бир-бири билан алоқасидан, ижтимоий меҳнатда, сиёсий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда қатнашувидан, моддий-маънавий бойликлар яратиши, уйда, иш жойи, кўча-куйда ўзини тутишидан, руҳий ҳолатлари ҳамда муомала маданиятларидан келиб чиқади. Шахслараро муносабатлар психологияси келиб чиқишида шубҳасиз ҳар бир миллатнинг хусусиятлари табиий равишда ўз таъсирини кўрсатади.

Масалан, ўзбекларга хос бўлган катталарга хурмат, бетга чопмаслик, оғир-вазминлик каби ҳалқ характеристидан келиб чиқадиган фазилатлар сингган бўладики, бу муносабатлар муҳитга ижобий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаётдаги шахслараро муносабатларни кишилар ишлаб ёки ўқиб турган жамоа тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиқадиган, шахсларнинг алоқалари билан боғлиқ муносабатларга ҳамда оиласдаги муносабатларга бўлиш мумкин. Маълумки, оиласдаги муносабатлар шахс тарбиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир шахснинг дўстларига, ўқийдиган, ишлайдиган жойдаги, теварак-атрофдаги бошқа шахслар билан мулоқотида, муносабатида албатта ўз аксини топади.

Шаслараро муносабатлар руҳиятининг барча ижобий, салбий қўринишлари дастлаб оиласда вужудга келади, сўнг эса жамоада, жамиятда ривожланади. Бинобарин, оиласдаги муносабатлар ростгўйлик, хушмуомалик, камтарлик, қатъиятлик, қариндош уруғларга ва умуман инсонга меҳр-муҳаббатлилк, ҳаёлик, олижаноблик, мардлик, ишчанлик, ҳалоллик, очиқ юзлилк, сабр тоқатлилк, кўли очиқлилк асосида қўриш учун ҳаракат қилиниши лозим. Бунинг учун эса оиласдаги муносабатларда сезила бошлаган жоҳиллик, беписандлик, димоғдорлик, дангасалик, хийлагирлик, ёлғончилик, хасадгўйлик,



хушомадгүйлик, маҳмадоналиқ, иғвогарлик, шафқатсизлик каби иллатларга қарши муросасизлик билан курашиш зарур.

Турмушдаги турли зиддиятли вазиятларга тушиб қолганда ҳам ўзини қўлга ола билиш гоятда муҳимдир. Шарқ алломаларининг биридан: «Дунёдаги энг қучли одам ким?» – деб сўрашибди. Аллома узоқ ўйланиб турмай: «Дунёдаги энг қучли одам чидаб бўлмайдиган даражада жаҳли чиққанда ҳам ўзини қўлга ола билган, жаҳлинини боса олган инсондир», – дея жавоб қилибди. Ҳа, жаҳолат туфайли юз берган тузатиб бўлмайдиган хатолар қанча!

Маълумки, жамиятдаги шахслараро муносабатлар психологияси, шу жумладан, яшаётган, фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ҳис-туйғулари кечинмалари, интилишлари, кайфиятларини белгилайди. Кўполлик, жаҳолат, ҳасад, каландимоғлик, мунофиқлик, хийлагирлик, манфаатпастлик, иғвогарлик шахслараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Инсонийлик, олижаноблик, хушфеълиқ, меҳрибонлик, самимият, шириңсўзлик, меҳнатсеварлик, халқчилик, ростгўйлик, халоллик, эзгулик каби фазилатлар шахснинг ўзигагина ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, шахслараро муносабатлар психологиясини ҳам инсонийлик нурлари билан ёрқинлаштиради. Жамиятимиздаги демократия жараёнлари муомала маданиятини мукаммал эгаллашни талаб қиласди.

Шахслараро муносабатлар жараёни жуда мураккаб, нозик маълум бир қолиплар билан белгилаб бўлмайдиган жараёндир. Юкори даражадаги хавфли манба ҳисобланган транспорт воситасини йўлларда бошқариш жараёнида ҳайдовчи билан бошқа ҳайдовчилар, йўловчилар, пиёдалар, давлат автомобил назорати ходимлари маълум даражада муносабатда бўладилар. Шу муносабат йўлларда одобли бўлишга жиддий эътибор берилишини талаб этади. Ҳаракатда иштирок этадиган ҳайдовчиларнинг ахлоқодоби ва уларнинг ўзаро муносабатини кўриб чиқамиз.

Давлат автомобил назорати ходимларининг вазифаларига барча йўлларда ҳаракатланиш қоида бузарликларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини ташкил қилиш ва таъминлаш киради. Зарурат бўлганда ЙХХБ ходими ҳайдовчи ва пиёдаларга ёрдам кўрсатади.

Айтиб ўтиш жоизки, ЙХХБ ходимлари яширин назорат кузатувлар ўтказиб, ўз ҳаёти ва бошқа йўллардаги ҳаракат иштирокчилари ҳаётини хавф остига қолдирган ҳамда қоида бузарлик қилган ҳайдовчиларга нисбатан ўзларига берилган ваколат доирасида жазо турларини қўллайди.

Кўз олдингизга келтириб қўрингчи, йўлларда йўл белгилари, чизиклар, светофорлар ва ЙХХБ ходимлари бўлмаса, ҳозирги илмий-техникавий тараққиёт давридаги автомобиллар ҳаракатини тасаввур қилиб бўладими? Ёки бўлмаса, чорраҳада бутун навбатчилиги давомида турган ЙХХБ ходимининг хизмат мешақатини ўйлаб қўрингчи. Ёзниг жазирама иссиқ, қишининг қор-ёмғири, тинимсиз оқаётган транспорт воситалари шовқини, ишлатилган газлар таъсири ва ҳ.к. Ўз вазифасининг жамият учун нақадар муҳимлигини онгли равишда сезган ҳолда бажараётган ЙХХБ ходимларига



нисбатан қўполлик қилиш, менсимаслик, тўраларча муомалада бўлиш, дағдаға қилиш каби ҳолларни айрим ҳайдовчилар томонидан кузатиш мумкин.

Рулда спиртли ичимлик ёки наркотик модда истеъмол қилган ҳайдовчи, нафақат ўз ҳаёти, балки бошқалар ҳаёти учун ҳам хавфлидир. Ана шундай ҳайдовчиларни аниқлаш, тўхтатиш ва автомобил бошқаришдан четлатиш осонликча кечмайди.

Ҳайдовчилар томонидан энг кўп йўл қўйиладиган қоида бузарликларга белгиланган тезликни ошириш, йўл белгилари ва чизиқлар талабларини менсимаслик, светофор чироқлари ишорасига итоат этмаслик ва қувиб ўтиш қоидасини бузишни айтиш мумкин. Айтиб ўтиш лозимки, айрим ҳайдовчилар ЙХХБ ходимлари йўқлигидан фойдаланиб, қоида талабларини менсимайдилар.

Бир неча бор ҳайдовчилар орасида шундай баҳс мунозарали сухбатнинг гувоҳи бўлганмиз. Тўхтатилган автомобил ҳайдовчиси ЙХХБ ходимининг олдига келадими ёки ходим ҳайдовчи олдига борадими? Биринчидан, ЙХХБ ходими қонун химояси Давлат вакили бўлганлиги ва формали кийимда бўлганлиги учун даҳлсиз ва ҳар қандай ҳурматга лойиқ шахс. Иккинчидан, ҳаракатланиш қоидасини бузган шахс (ҳайдовчи), албатта ўзи ходим олдига келиб, одоб-ахлоқни жойига қўйиб, хушмуомалалик билан барча талаб қилинган хужжатларни тақдим этиши лозим. Умуман, ЙХХБ ходимлари қоида бузарликка йўл қўймаган, техник созлигига шубҳа туғилмайдиган транспорт воситасини тўхтатмайди (профилактика ва қидиувда бўлган транспорт воситаларини текшириш бундан мустасно). Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳайдовчи ва ЙХХБ ходими ўзаро хушмуомалали бўлиши лозим.

Ҳайдовчи ва пиёдалар муносабатини кўрадиган бўлсак. Биринчидан, ҳайдовчи унутмаслиги керакки, у ҳам маълум вазиятда пиёда бўлиб, ўзи шундай ҳолатда бўлиши мумкин. Иккинчидан, пиёдалар орасида ҳар хил тоифалари бўлади. Йўлларда ҳаракатланиш қоидасини яхши билмайдиган, кар, кўр, ширакайф, ногирон, руҳий касал ва ҳ.к. Шунинг учун тротуар ёки йўл четида пиёдалар бўлганда эҳтиёт чораларини кўрган маъқул, чунки пиёдалар хоҳлаган пайтда қатнов қисмида пайдо бўлиши мумкин. Мабодо шундай бўлган тақдирда асабийлашмасдан босиқлик билан улар ўтиб кетишига имконият бериш керак. Тротуар ёки йўл ёқасидаги пиёдаларга лой, сув сачратиш, товушли ишора бериб асабига тегиши ярамайди.

Йўловчи ташийдиган автобус ва такси ҳайдовчилари, айниқса, йўловчиларга нисбатан жуда хушмуомалали бўлишлари, ўз транспортларини ўрнидан қўзғатиш ва тўхтатиша кескин ҳаракатлар қилмасликлари, бурилишда йўловчилар мувозанатини бузмасликни эътиборга олиб, тезликни танлашлари, автобус эшикларини очиш ва ёпишда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга жуда катта эътибор беришлари лозим. Имкон борича шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида ногиронлар, қариялар, ҳомиладор ҳамда ёш болалиларни ўриндиқлар билан таъминлашлари лозим. Такси ва шаҳарлараро автобус ҳайдовчилари йўловчилар юкларини жойлаштиришга кўмаклашишлари одобдан бўлади.

Юк автомобили ҳайдовчилари автомобил юхонасида юкни қоида талабларига мос равишида жойлаштиришлари ва йўлда доимий равишида унинг бошқаларга хавф



туғдирмаслигини күзатышлари шарт. Қурилиш объектлари, карьерлар, ахлатхоналар ва бошқа қопламасиз ифлос йўллардан қопламали йўлларга чиқишида, албатта йўлни ифлос қилмаслик чораларини кўришлари зарур.

Бошқа ҳаракат иштирокчилари ва пиёдалар қоида бузарликларга йўл қўйганларида, қўпол хатти-ҳаракатлар қилгандаридан ҳайдовчи асабийлашмасдан жуда вазминлик билан иш тутиши лозим, шунингдек, умум фойдаланадиган тўхтаб туриш майдонларида таъмирлаш ишларини бажарганда ифлос қилмаслик, ёнилғи қутиш жойларида исрофгарчиликка йўл қўймаслик, иш жойи, автомобил кабинасини тоза тутиш, рулда тоза, озода, мавсумий кийимда бўлишга қатъий одатланиш зарур.

Йўл транспорт ҳодисалари содир этилганда ёки бошқалар ёрдамга муҳтож бўлган пайтларда ҳеч иккиланмасдан ёрдамга шошилиш умуминсоний қадриятлардан ташқари, ҳайдовчининг асосий вазифаларидан эканлигини унутмаслик керак. Айниқса, йўл транспорт ҳодисасида жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш сифати ва жараёни улар ҳаёт қолиши учун қанчалик мухим эканлигини унутмаслик керак. Баъзан ҳодиса жойидан қочиш ёки тўхтамасдан ўтиб кетиш ҳолларининг учраб туриши нақадар аянчли, жирканч, инсон табиатига, одоб-ахлоқига тўғри келмайдиган ҳолатdir.

Ҳайдовчи хулқи, одобининг шаклланишида у ишлайдиган жамоада ҳукуқ тарғибот ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлиги, корхона ички тартиб қоидалари бажарилишининг назорат қилиниши ва талабчанлик мухим рол ўйнайди. Жамоа аъзоларининг ўзаро хушмуомала ҳамда ҳайриҳоҳлиги ҳайдовчи хулкининг шаклланишига ижобий таъсир қўрсатади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.А. Акилов, Ш.Ш. Ризаев. Йўл ҳаракати қойдаларига суратли шарҳлар ва тестлар. Т.: 2014. - 80 с.
2. П. Громов. Правила дорожного движения. М.: 2022. - 100 с.
3. Э. Нуриддин. Йўл транспорт ҳодисаси рўй бергандага ҳайдовчининг вазифалари. Т.: 2015. - 80 с.
4. А.Ш. Насридинов. Йўл ҳаракати қойдалари. Н.: 2019. - 180 с.
5. З. Нишонов. Йўл чизиқлари ва уларнинг характеристикаси. Т.: 2015 - 100 с.
6. Қ.М. Усмонов. Ҳарбий автомобил ҳайдовчилари учун йўл ҳаракат қоидаларидан маълумотнома. Т.: 2022. - 120 с.

